| ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ<br>ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ<br>ҲОКИМИ<br>ҚАРОРИ | O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI<br>XORAZM VILOYATI<br>HOKIMI<br>QARORI |
|---|---|

«31» декабрь 2013 yil — Урганч ш.

№ 313к — Нусха №____

**Вилоятдаги давлат кўчмас мулкидан фойдаланганлик учун 2014 йилда қўлланиладиган ижара тўловининг энг кам ставкалари ҳақида**

Ўзбекистон Республикасининг "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 8 апрелдаги "Давлат мулкини ижарага бериш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 102-сонли қарорига ҳамда Ўзбекистон Республикаси хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Давлат қўмитаси, Молия ва Иқтисодиёт вазирликлари билан келишилган 2013 йил 19 декабрдаги 04/14-1444, 53-сонли ва Б.Ю/03-04-06/127-сонли ижара тўловининг энг кам ставкалари тўғрисидаги қўшма хатга асосан

**Қ А Р О Р  Қ И Л А М А Н:**

1. Хоразм вилоятидаги давлат кўчмас мулкидан фойдаланганлик учун 2014 йил 1 январдан қўлланиладиган ижара тўловининг энг кам ставкалари 1-иловага, ижара ҳақини ҳисоблаш тартиби ва ставкаларига қўлланиладиган оширувчи коэффициентлар 2-иловага, Хоразм вилояти шаҳар ва туманларининг марказий қатнов кўчалари ва қишлоқ ҳудудларидаги давлат объектларига ижара ҳақини ҳисоблашда қўшимча қўлланиладиган коэффициентлар 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. "Хоразм вилояти давлат мулкини ижарага бериш маркази" давлат унитар корхонаси (Ш.Сафарбаев) ижара ҳақи қийматини белгилашда 1-иловада кўрсатилган кўчмас мулк учун қўлланиладиган энг кам ставкаларидан таянч сифатида фойдаланилсин.

Давлат мулки бўлган бинолар ва хоналарда жойлашган бюджет ташкилотлари учун ижара тўловининг ноль ставкаси қўлланилсин.

3. Шаҳар ва туманлар ҳокимликлари:

3.1. Ҳудудларидаги корхона ва ташкилотлар тасарруфида бўлган фойдаланилмай бўш турган давлат объектларини доимий ишчи комиссия тузган ҳолда хатловдан ўтказиб бориш ҳамда ўтказилган хатлов натижалари юзасидан ҳар чорак якуни бўйича маълумотларни “Хоразм вилояти давлат мулкини ижарага бериш маркази” давлат унитар корхонасига мунтазам тақдим этиб бориши белгилансин.

3.2. Белгилаб қўйилсинки, Давлат мулкини балансида сақловчиларнинг мансабдор шахслари уларнинг тасарруфида бўлган фойдаланилмаётган давлат мулки тўғрисидаги маълумотларни “Хоразм вилояти давлат мулкини ижарага бериш маркази” давлат корхонасига ўз вақтида, тўлиқ ва ишончли берилиши учун шахсан жавоб берадилар.

4. Ушбу қарор қабул қилиниши билан Хоразм вилояти ҳокимининг “Хоразм вилоятидаги давлат кўчмас мулкидан фойдаланганлик учун 2013 йилда қўлланиладиган ижара тўловининг энг кам ставкалари ҳақида”ги 2012 йил 26 декабрдаги 288к-сон қарори ўз кучини йўқотади.

5. Ушбу қарор расмий нашрда эълон қилинсин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилиши назорати вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Ш.Хўжаниёзова зиммасига юклатилсин.

**Вилоят ҳокими** **П.Бобожонов**

Хоразм вилояти ҳокимининг
2013 йил "31" декабрдаги
313к-сонли қарорига
3-илова

**Хоразм вилояти шаҳар ва туманларининг марказий қатнов кўчалари ва қишлоқ ҳудудларидаги давлат объектларига ижара ҳақини ҳисоблашда қўшимча қўлланиладиган коэффициентлар:**

| Т/Р | Шаҳар ва туманлар номи | Ҳудудий зоналар коэффициентлари | |
|---|---|---|---|
| | | 1-зона | 2-зона |
| | | Шаҳар ёки туманлар марказлари | Туман қишлоқ ҳудудлари |
| 1. | Урганч шаҳри | 2,5 | х |
| 2. | Боғот тумани | 2 | 1,5 |
| 3. | Гурлан тумани | 2 | 1,5 |
| 4. | Қўшкўпир тумани | 2 | 1,5 |
| 5. | Урганч тумани | 2 | 1,5 |
| 6. | Хазорасп тумани | 2 | 1,5 |
| 7. | Хонқа тумани | 2 | 1,5 |
| 8. | Хива тумани | 2,5 | 1,5 |
| 9. | Шовот тумани | 2 | 1,5 |
| 10. | Янгиариқ тумани | 2 | 1,5 |
| 11. | Янгибозор тумани | 2 | 1,5 |

Хоразм вилояти ҳокимининг
2013 йил "31" декабрдаги
313к-сонли қарорига
1-илова

**Хоразм вилоятидаги давлат кўчмас мулкидан фойдаланганлик учун 2014 йилда 1 январдан қўлланиладиган ижара тўловининг энг кам ставкалари**

| № | Фаолият тури кодлари | Ижарага бериладиган майдонлардан фойдаланиш мақсадлари | 1 кв. метр майдон учун 2014 йилга ижара ставкаси (сўм) |
|---|---|---|---|
| | | **Саноат** | |
| 1 | 11 200 | Ёнилғи саноати | 2 800 |
| 2 | 13 100 | Кимё саноати | 2 800 |
| 3 | 13 300 | Нефть-кимё саноати | 2 800 |
| 4 | 14 100 | Машинасозлик саноати | 2 800 |
| 5 | 14 200 | Дастгохсозлик ва асбобсозлик саноати | 2 800 |
| 6 | 14 300 | Ҳисоблаш техникаларини ишлаб чиқариш | 2 800 |
| 7 | 14 400 | Тракторсозлик ва қишлоқ хўжалиги машинасозлиги | 2 250 |
| 8 | 14 500 | Қурилиш, йўл қурилиш ва коммунал хўжалиги машинасозлиги | 2 250 |
| 9 | 14 600 | Енгил ва озиқ-овқат саноати машинасозлиги ҳамда маиший анжомлар саноати | 2 250 |
| 10 | 14 710 | Санитар-технологик ва газ ускуналари ҳамда уларнинг бутловчи қисмларини ишлаб чиқариш | 2 800 |
| 11 | 14 800 | Металл конструкциялари ва маҳсулотлари саноати | 2 800 |
| 12 | 14 900 | Машина ва жиҳозларни таъмирлаш | 2 800 |
| 13 | 14 780 | Машинасозликнинг бошқа соҳалари | 2 800 |
| | | **Ўрмон, ёғочни қайта ишлаш ва целлюлоза-қоғоз саноати** | |

| | | | |
|---|---|---|---|
| 14 | 15 100 | Ёғоч маҳсулотларини тайёрлаш саноати | 2 800 |
| 15 | 15 200 | Ёғочни қайта ишлаш саноати | 2 800 |
| 16 | 15 300 | Целлюлоза-қоғоз маҳсулотлари саноати | 2 800 |
| 17 | 16 100 | Қурилиш материаллари саноати | 2 800 |
| | | **Енгил саноат** | |
| 18 | 17 100 | Тўқимачилик саноати | 2 800 |
| 19 | 17 200 | Тикувчилик саноати* | 2 800 |
| 20 | 17 300 | Чарм, мўйна ва пойабзал маҳсулотлари саноати | 2 800 |
| 21 | 17 900 | Енгил саноатнинг бошқа ишлаб чиқариш турлари | 2 800 |
| | | **Озиқ-овқат саноати** | |
| 22 | 18 100 | Озиқ-овқат саноати (балиқ, гўшт, ёғ-пишлоқ ва сут маҳсулотлари ишлаб чиқаришдан ташқари) | 2 800 |
| 23 | 18 200 | Гўшт ва сут маҳсулотлари саноати | 2 800 |
| 24 | 18 300 | Балиқ маҳсулотлари саноати | 2 800 |
| 25 | 19 210 | Тегирмончилик саноати | 2 800 |
| 26 | 19 220 | Комбикорм (омухта ем) саноати | 2 250 |
| 27 | 19 700 | Озиқ-овқат саноатининг бошқа тармоклари | 2 800 |
| | | **Саноатнинг бошқа тармоқлари** | |
| 28 | 19 300 | Тиббиёт саноати | 2 800 |
| 29 | 19 400 | Полиграфия саноати | 7 850 |
| 30 | 19 740 | Кийимларни ва газламалардан тайёрланган буюмларни кимёвий тозалаш, бўяш, ювиш ва матоларни қайта ишлаш | 3 350 |
| 31 | 19 900 | Саноатни хўжалик бошқаруви | 7 850 |
| | | **Қишлоқ хўжалиги** | |
| 32 | 21 100 | Ўсимликшунослик (шу жумладан иссиқхона хўжалиги) 1 га ер майдони учун | 1 126 000 |
| 33 | 21 200 | Чорвачилик | 1 350 |
| 34 | 21 300 | Балиқчилик (шу жумладан балиқ етиштириш) 1 га ер майдони учун | 1 126 000 |
| 35 | 22 200 | Ветеринария хизматлари | 2 800 |



Хоразм вилояти ҳокимининг
2013 йил "31" декабрдаги
313к -сонли қарорига
2-илова

**Ижара ҳақини ҳисоблаш тартиби ва ставкаларига қўлланиладиган оширувчи коэффициентлар**

Ижара ҳақини ҳисоблашда ижара ҳақининг таянч ставкаси қуйидагича аниқланади:

**Тс = Эк х Кз х (Кк + Кх + Кт)**

бунда:
**Тс** -бир йилга 1 кв.м учун ижара ҳақининг таянч ставкаси;

**Эк** -1-иловага мувофиқ ижарага олинган объект фаолият турига кўра бир йил учун 1 кв.м майдоннинг ҳисобланган энг кам ставкаси.

I. Ҳудудий зоналар коэффициенти **(Кз):**
Ушбу қарорнинг 3-иловасидаги жадвалга асосан объектнинг марказда ёки чекка ҳудуд(зоналар)да жойлашганлигига қараб оширувчи коэффициентлар қўлланилади.

II. Бинонинг қурилишига кўра қўлланиладиган коэффициент тури **(Кк):**

- алоҳида турган бино -2,0 коэффициент
- уяли ва бошқа алоқа хизматлари учун ускуналар ўрнатиш мақсадида махсус ўраб олинган техник майдон -2,0 коэффициент;
- бино ичидаги алоҳида хона-1,8 коэффициент;
- бинонинг устки қисми, чердак, мансарда -1,5 коэффициент;
- бинога тақаб қурилган бино ҳамда бостирма -1,3 коэффициент;
- ярим ертўла, ертўла -1,0 коэффициент;

III. Ёндош ҳудуддан фойдаланиш коэффициенти **(Кх):**

- ёндош ҳудуд мавжуд бўлганда -1,0 коэффициент;
- махсус ўраб олинган техник майдондаги ускуналарга хизмат кўрсатиш учун йўл ва қулайликларнинг мавжудлиги -2,0 коэффициент;

IV. Тижорат мақсадида фойдаланишда қулайлилик коэффициенти **(Кт):**
-ижарага берилган объект асосий қатнов йўллари бўйида, серқатнов жойларда жойлашган бўлса -1,2 коэффициент;

-ижарага берилган объект иккинчи даражали қатнов йўллари бўйида жойлашган бўлса-1,0 коэффициент;

| | | | |
|---|---|---|---|
| 96 | | Хусусий ташкилотларга идора сифатида | 12 350 |
| 97 | | Автомобилларга ёнилғи қуйиш шохобчалари | 9 000 |
| 98 | | Енгил автомашиналар ва бошқа турдаги транспорт воситаларини таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш (шу жумладан вулканизация) | 9 000 |
| 99 | | Тупроқ ва тупроқ қатламларини ўрганиш лабораториялари | 5 600 |
| 100 | | Турли хизмат турлари тўловлари (пайнет) | 22 500 |
| 101 | | Маданий мерос объектлар бино ва иншоотларида жойлашган савдо дўконлари | 12 350 |
| 102 | | Маданий мерос объектлари бино ва иншоотларида жойлашган умумий овқатланиш шохобчалари* | 10 650 |
| 103 | | Авиа кассалар (шу жумладан темир йўл, автотранспорт ва бошқалар) | 12 350 |
| 104 | | Банкоматлар | 112 000 |
| 105 | | Нон-булка маҳсулотлари ишлаб чиқариш | 7 850 |

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 30.06.2009 йилдаги 07/10-41-сонли йиғилиш баёнининг 11-бандига мувофик мулк шаклидан қатъи назар, кишлоқ врачлик пунктларида ташкил этиладиган дорихоналарга давлат кўчмас мулкидан фойдаланганлик учун ижара тўловининг ноль ставкаси қўлланилади.

***Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 22.11.2012 йилдаги 02/1-74-сонли кўрсатмасига асосан Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги тизимидаги савдо бошқармалари ёпиқ ҳарбий шаҳарчалардаги ҳарбий қисм ва муассасаларидаги давлатга тегишли бўлган кўчмас мулкларни ижарага олган ҳолатларда ижара тўловининг ноль ставкаси қўлланилади.



| | | | |
|---|---|---|---|
| 36 | 22 300 | Қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатувчи бошқа ташкилотлар | 2 800 |
| 37 | 30 000 | Ўрмон хўжалиги (шу жумладан боғлар) 1 га ер майдони учун | 1 126 000 |
| **Транспорт ва алоқа** | | | |
| 38 | 51 111 | Ер устида ҳаракатланувчи умумфойдаланишдаги темир йўл транспорти | 2 800 |
| 39 | 51 121 | Транспорт инфратузилмалари (автопарк, таксопарк, автомобиль тўхташ жойлари, гараж, автомобиллар ювиш жойлари) | 2 800 |
| 40 | 51 520 | Аҳоли буюртмасига асосан юк ташиш ва бошқа транспорт-экспедиция хизматлари | 5 050 |
| 41 | 52 100 | Почта алоқа тармоқлари | 2 800 |
| 42 | 52 200 | Курьерлик алоқа тармоқлари | 5 600 |
| 43 | 52 300 | Электр тармоқ алоқаси | 5 600 |
| 44 | 52 300 | Электр, радио, уяли алоқа ва пейджер алоқа хизматлари (иншоотларни ҳисобга олган ҳолда худуд доирасида) | 23 650 |
| **Қурилиш** | | | |
| 45 | 60 000 | Қурилиш | 2 800 |
| 46 | 66 000 | Лойиҳа, лойиҳа-қидирув ташкилотлари | 2 800 |
| **Савдо ва умумий овқатланиш** | | | |
| 47 | 71 100 | Улгуржи савдо | 7 850 |
| 48 | 71 130 | Маҳсулотларни (хизматларни) қисмлаб савдо фаолиятини амалга оширувчи улгуржи савдо бозорларидаги савдо дўконлари | 20 250 |
| 49 | 71 200 | Чакана савдо | 7 850 |
| 50 | 71 300 | Умумий овқатланиш шохобчалари* | 7 850 |
| 51 | 71 200 | Китоб дўконлари* | 1 000 |
| 52 | 71 400 | Маданий-маиший мақсадлардаги ҳамда хўжалик буюмларини прокатга бериш жойлари | 7 850 |
| 53 | 71 500 | Халқ хўжалиги савдо-харид маҳсулотлари даллоллик | 12 350 |

| | | | |
|---|---|---|---|
| | | хизматлари | |
| 54 | 80 000 | Моддий техника таъминоти ва етказиб бериш | 7 850 |
| 55 | 82 000 | Маълумот-ҳисоблаш хизматлари | 7 850 |
| 56 | 82 100 | Интернет ва компьютер тармоклари оркали хизматлар кўрсатиш | 7 850 |
| 57 | 83 000 | Кўчмас мулклар билан муомала қилиш | 7 850 |
| 58 | 84 300 | Реклама, кўргазмалар хизматлари | 7 850 |
| 59 | 84 400 | Аудиторлик фаолияти | 7 850 |
| 60 | 84 500 | Маркетинг тадкикотлари, тижорат, молия ва бошқарув фаолиятлари бўйича маслаҳатхоналар | 7 850 |
| 61 | 85 000 | Геология ва табиий бойликларни қидириш, геодезия ва гидрометеорология хизматлари | 14 000 |
| 62 | 87 100 | Таҳририят ва нашриётлар | 4 500 |
| 63 | 87 300 | Металлолом ва иккиламчи қоғоз (латта) махсулотларини тўплаш жойлари | 4 500 |
| 64 | 90 100 | Турар жой-коммунал хўжаликлари (ширкат объектлари) | 4 500 |
| 65 | 90 220 | Меҳмонхона хизматлари | 9 000 |
| 66 | 90 300 | Маиший хизматнинг ноишлаб чиқариш турлари | 4 500 |
| 67 | 90 300 | Сартарошхона, фотосалон, модалар ательеси, пойабзалларни таъмирлаш устахонаси | 6 750 |
| 68 | 90 300 | Ломбард | 10 100 |
| 69 | 90 300 | Хаммом | 13 500 |
| 70 | | Сауна ва бассейнлар | 27 000 |
| **Соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия ва ижтимоий таъминот** | | | |
| 71 | 91 510 | Соғлиқни сақлаш | 5 600 |
| 72 | 91 600 | Сайёҳлик ва дам олишни ташкил этиш* | 5 600 |
| 73 | 91 611 | Маданий кўнгилочар марказлар (бильярд, ўйин автоматлари, дискотека ва бошқалар) | 9 000 |
| 74 | 91 700 | Жисмоний тарбия ва спорт* | 2 800 |



| | | | |
|---|---|---|---|
| 75 | 71 212 | Дорихоналар**, оптика, тиббиёт анжомлари ва жиҳозлар савдо дўконлари | 4 500 |
| **Маориф** | | | |
| 76 | 92 100 | Олий ва ўрта-махсус таълими маълумотли кадрларни тайёрлаш (ўқув курслари билан) | 4 500 |
| 77 | 92 200 | Ишчилар ва хизматчиларни тайёрлаш ва малакасини ошириш* | 3 900 |
| 78 | 92 310 | Болалар умумтаълим мактаблари (нодавлат таълим муассасалари учун)* | 2 250 |
| 79 | | Ўқув муассасаларида умумий овқатланишни * | 2 800 |
| 80 | 92 400 | Мактабгача тарбия муассасалари (нодавлат таълим муассасалари учун) | 2 250 |
| 81 | 93 000 | Маданият ва санъат* | 7 850 |
| 82 | 93 132 | Кўргазмалар | 6 750 |
| 83 | 93 160 | Маданият ва дам олиш боғлари* | 5 600 |
| 84 | 93 170 | Ботаника боғлари ва зоопарклар* | 5 600 |
| 85 | 93 180 | Телевидениялар ва радиоэшиттиришлар редакциялари | 5 600 |
| 86 | 93 620 | Киностудиялар, овоз ёзиш студиялари | 9 000 |
| 87 | 95 000 | Фан ва илмий хизматлар кўрсатиш | 3 350 |
| **Молия-кредит фаолияти** | | | |
| 88 | 96 000 | Молия, кредит (суғурта ва аудиторлик фаолиятларидан ташқари), пенсия таъминоти | 7 850 |
| 89 | 96 100 | Банк фаолияти | 7 850 |
| **Бошқа турдаги фаолиятлар** | | | |
| 90 | 96 200 | Суғурта идоралари | 7 850 |
| 91 | 97 800 | Суд ва юридик хизмат муассасалари | 6 750 |
| 92 | 97 820 | Адвокатлар коллегияси ва юридик маслаҳатхоналар | 6 750 |
| 93 | 98 000 | Жамоатчилик бирлашмалари | 2 250 |
| 94 | 80 200 | Омборхоналар | 7 850 |
| 95 | | Давлат ташкилотларига идора сифатида | 3 350 |